

Фракция йиғилиши



БЮДЖЕТ ИЖРОСИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

“Адолат” СДП фракцияси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил тўққиз ойлиги ижроси тўғрисида ҳисоботи ҳамда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қун тартибига қўйилган масалаларни чуқур ўрганиши учун дастлаб фракция аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, мазкур масалалар юзасидан “Адолат” СДП ғояларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий соҳага эътибор қаратиш зарурлиги белгилаб олинди.

Йиғилишда 2021 йил 9 ойлик Давлат бюджети даромадлари 108,4 фоизга ёки 9 триллион сўмга ошириб ижро этилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўтган даврда Давлат бюджети харажатлари 130,2 триллион сўмни ташкил қилиб, шундан ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун 64,0 триллион сўм ёки умумий харажатларнинг 49,2 фоизи миқдориди маблағ сарфланган. Ушбу харажатларнинг 87,9 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувват-

лаш харажатлари ҳиссасига тўғри келади. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,0 фоизга кўп маблағлар ажратилган.

Йиғилишда бюджет ижросининг бажарилишидаги ижобий жиҳатлари билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Фракция йиғилишида депутатларнинг жиддий муҳокамасига сабаб бўлган бир қанча ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шухрат ПОЛВАНОВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар сабаб фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш мақсадига катта маблағлар ажратилаётганини кўриб турибмиз. Жумладан, йил бошида энергетика вазирлиги ҳамда “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбари томонидан давлат раҳбари олдида ҳудудлардаги энергия таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг 60 фоизга яқини ўз ечимини топиши ҳақида ваъда берилган ҳамда соҳага мисли кўрилмаган даражада маблағ ажратилиши белгиланган эди.

Бироқ ҳудудларда ўтказиётган ўрганишларимиз бу борада муаммолар ечимини топмасдан қолаётганлигини кўрсатмоқда. Биргина Самарқанд вилояти Нуробод тумани мисолида оладиган бўлсак, 2019-2020 йилларда ажратилган маблағлар бўйича ишлар тўлиқ бажарилди, деб ҳисобот берилган, 2021 йил учун маблағ ажратилган бўлса-да, режалаштирилган ишлар 50 фоизга ҳам бажарилмаган. Давлат томонидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш пасайиб кетган. Режага қиртилган ишлар неча бажарилмасдан қолмоқда? 29-30 ноябрь кунлари депутат билан биргаликда айнан Нуробод туманида энергия таъминоти масалаларини ўрганишга вазирлик масъул ходим ажрата оладими?

А.РАУПОВ,
Энергетика вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Кўтарилган масалалар юзасидан аниқ ва тўлиқ жавоб бера олмайман. Чунки, бу масала билан бошқа бўлим шугулланади. Аммо барча ай-тиб ўтилган эътирозларингиз ўрганиб чиқилиб, масъул ходимлар томонидан жавоб такдим этилади.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Юқорида фракция аъзолари томонидан таъкидлаб ўтилган салбий ҳолатлар ҳисобот даврида энг кўп Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги тизимида аниқланган. Бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлашда натижадорлик масалалари борасида бюджет тизимида аниқ чора-тадбирлар кўрила бошланган айни дамда, бюджет тизимида “Натижага йўналтирилган бюджет”ни шакллантириш ва ижросини таъминлашда жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти. Шунинг ҳисобига олган ҳолда Молия вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга бюджет маблағларининг натижадорлигига оид маълумотларни кўпроқ ёритиш масаласини қўямиз.



БИЛИМДОН ЁШЛАР САРАЛАНДИ

Маълумки, жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 29 йил тўлади. Тараққиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган ушбу ҳужжатга бағишланган тадбирлар партияимиз томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Ёшларнинг сиёсий билимлари ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, билимли ҳамда қобилиятли ёшларни аниқлаш мақсадида “Адолат” СДП Қашкадарё вилоят кенгаши томонидан партиянинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

Табриклаймиз!

Мактабгача таълими вазирлиги буйруғига асосан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Шоҳида Холлиева Сурхондарё вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Депутатимиз тайинловга қадар Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар 13-сонли мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Термиз тумани 10-сонли умумтаълим мактаби директори, Термиз тумани халқ таълими бўлими мудири, “Амударё болалар соғломлаштириш оромгоҳи” директори лавозимларида фаолият юритиб келган.



СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТ ОЛАФ ШОЛЦ ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БЎЛДИ



26 сентябрда ўтказилган Бундестаг сайловларидан кейин олиб борилган иккинчи олийк музокарадан сўнг Германия парламентида Олаф Шолц канцлерлигида уч партияли коалиция шаклланди.

Шолцнинг парламент томонидан канцлер этиб сайланиши Ангела Меркелнинг 16 йиллик ҳукмдорлигига аяун ясади.

63 ёшли Олаф Шолц Гамбург мэри, молия вазири ва вице-канцлер лавозимларида фаолият олиб борган.

Коалицион келишувга эришилгани тўғрисида Ғарб матбуоти хабар берди. 24 ноябрь куни «светфор» коалиция — «қизил» социал-демократлар, «яшиллар» ва «сарик» либерал-демократлар партиялари иштирокида матбуот анжумани ўтказилган.

Бугунги сонда:

МУАММИФИК
ҲУҚУҚИ:
ЎЗГАРИШЛАР
ҲАМДА ХОРИЖ
ТАҲРИБАСИ

ИЛМЛАР
ҚОМУСИНИ
ЯРАТГАН
АЛЛОМА

ДУНЁНИ
АҲБОРОТ
БОШҚАРАДИ

ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

2021 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲАМДА УНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИДА

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИГА БАРЧА КЎНГИЛЛИЛАРНИ
ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

АКЦИЯ-2021 ФОТОЛАВҲАЛАРИ:



ВАҚТ: 9:00 дан – 16:00 гача
МАҚБИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Аристон кўчаси, 17-уй
ТЕЛЕФОН: +998 99 142-07-61
+998 99 520-13-85
БАЛАФОН: www.adolat.uz

УНУТМАН! СИЗНИНГ ҚОНИНГИЗ БЕМОЛ БОЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ!

ОБУНА — 2022


«Adolat» газетасининг
Нашр кўрсаткичи — 100
Мурожаат учун телефон:
71 288-42-12 (141) факс.
+91 165-02-66.

<https://adolat24.uz/>
электрон газетамизга ҳам
обуна давом этмоқда.



1 А.ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Респуб-
ликаси Молия вазири
ўринбосари:

Шунингдек, лойиҳада харажатларнинг вазирлик ва идоралар қесимидан тўғри акс эттирилиши масаласи ўрганилди. Натижада республика бюджети харажатларида кўзда тутилган "Хотин-қизларни ва oilани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси"га ажратилган трансфертлар Маҳалла ва oil-



Ушбу ўзгаришлар қонун лойиҳасида кўрсатилган даромадлар ва харажатлар доирасида амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Лойиҳага киритилаётган жами 14 та таҳририй тузатишнинг айримлари “Адолат” СДП фракцияси аъзолари таклифлари асосида тақдим қилинаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Олий Мажлис қўйи палатасига киритилган Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил тўққиз ойидagi ижроси тўғрисидаги масала юзасидан фракция аъзолари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар томонидан этироф этилганидек, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет жараёни очиқлигини таъминлаш, солиқ юқини камайтиришнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб бориш давр талабидир.

«Адолат» СДПнинг Шофиркон туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлар томонидан «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида ишчи гуруҳ тузилиб, маҳаллалар кесимига фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказилаяпти. Аҳолининг муноajatлари ўрганилмоқда. Дарҳақиқат, кўп муаммолар фуқаролар билан очик мулоқотда юзага чиқади.

Тумандаги “Қалмақон” МФЙда ўтказилган мулоқотда ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан “Қалмақон” ҳамда “Наврўз” кўчасини туташтириб турувчи кўприк таъмирталаб бўлиб қолгани юзасидан ишчи гуруҳга мурожаат қилинди.

Ушбу мурожаат асосида халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши депутати Зулфас Ашурова ўрганиш олиб борди ва масалани хал этиш бўйича туман ободонлаштириш бўлимига депутатлик сўрови юборди. Депутатнинг сай-ҳаракати тўғрисида жорий йилининг октябр ойида икки кўчани тўғатириб турувчи кўприк таъмирланди.

Дарҳақиқат, депутатларимиз томонидан очик мулоқотлар ўтказилиши, муаммоларга ечим топилиши одамларнинг мушкулени осон қилиб, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилиб келмоқда. Бу эса депутатлик гуруҳлари фаолияти тўғри, тизимли йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

“Адоллат” СДП халқ депутатлари Олот тумани Кенгаши депутати Зафар Эрназоров партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида туманининг “Пичокчи” МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолининг муаммоларини ўрганиш мақсадида очик мулоқот ўтказди.

Учрашув давомиди аҳоли томонидан ҳудуддаги Қоракўл туманига ўтувчи йўлнинг тахминан 5 км қисмини асфальт қилиш кераклиги ҳамда ҳудуддаги 5 та симёғочни янгисига алмаштириш бўйича муурожаат қилинди.

Депутат ушбу музержаатлар асосида туман ҳокимлиги ва туман электр тармоқлари бўлимига амалий ёрдам сўраб депутатлик сўрови юборди. Депутат сўрови натижасида тумanning "Пичоқчи" МФЙ худудидagi Қорақул туманига ўтвчи йўлнинг 5 км қисмини асфальт қилиш 2022 йил дастурига киритилди.

**Мухтасар ЗОҲИДОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

 Кўрик-танловда вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида биринчилиكنи қўлга киритган ўқувчилар қатнашдилар.

Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Рўйиддин Раунов кириш сўзи билан очиб, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини англаш, унинг аҳамиятини тушуниш ҳар бир инсон учун низоҳатла муҳимлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг юксак тараққиёти этиши, унинг нуфузи янада ортишда янгича фикрлайдиган, демократик ислохотларда фаол иштирок эта оладиган баркамол авлод етиштиб келмоқда. Бу борада “Адолат” социал-демократик партияси ёшларни рағбатлантириб келяпти, партия лойиҳаларининг аксарияти ёшларга бағишланганининг ўзи бунинг амалий ифодасидир. “Конституция билимдони” талови ана шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир.

Беллашувлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, улар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифалари мазмун-моҳиятига ёшларнинг эътиборини кенг жалб қилишга алоҳида урғу берилди.

Танлов белгиланган низом асосида 3-босқичда ташкил этилди. Унда ёшлар та-ништирув шarti, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш даражаси ва "Сиё-

сий партиялар" тўғрисида савол-жавоб, "Адолат" социал-демократик партияси менинг тасаввуримда" мавзусида ижодий иш тайёрлаш каби йўналишлар асосида ўзаро беллашдилар. Тадбирда иштирокчи ўқувчиларнинг саҳна маданияти, нотиқлик маҳорати ҳамда ижодий қобилиятлари ҳам аълоҳида эътиборга олинди.

Тадбирда ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг чиқишларини очиқ, ошкора овоз бериш йўли билан одилona баҳолаб бордилар.

Кизгін бахслар сўнггида 3-ўринни Қамашитўман 23-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Асилбек Ҳайитмуродов, 2-ўринни Қасбиитўман 13-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Жавоҳир Жўраев эгаллади. Қашқадарёвилояти юридик техникуми ўқувчиси Мадина Муродова биринчиликини олиб, республикабосқичига йўлланишни қўлга киритди.

Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорларга партиянинг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган бошқа билмидон ёшлар вилоят партия кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Акмал ҲАЙИТОВ,
“Адолат” СДП Қарши шаҳар кенгаши
раиси

Республикамизнинг барча ҳудудларида “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари олиб борилмоқда.

“Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши ходимлари, фаоллари ҳамда партия депутатлари ҳам лойиҳа доирасидаги ишларда иштирок этмоқдалар.

Халқ депутатлари Олтириқ туман Кенгаши депутаты А.Набиев ташаббус билан “Азимобод” МФЙ ҳудудига joyлашган 26-умтаълим мактабининг бўш турган майдонига 200 туپ павлония дарaxти экилиб, янги боғ яратилди. Халқ депутатлари Тошқoқ туман Кенгаши депутатлари томонидан туманининг “Заркент”, “Янгийул”, “Найман” МФЙларида 100 туздан ортқ мевали ва манзарали дарaxт кўчатлари экилди. Партиясинг Ёзёвон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты А.Неъматжонов 5-умтаълим мактаби ҳудудига мевали ва манзарали дарaxтлар ўтказиб, кўкаламзорлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутатлари — Озод-
хон Дадажонов, Файзулло Мирзоев, Воҳиджон Аҳмаджонов, Отабек
Холиқов, Азизбек Аъзамов ҳам ушбу лойиҳа доирасидаги ишларда
фаол иштирок этмокдари. Улар томонидан мактаб, мактабгача таъ-
лим, маҳаллалар ҳудудларига юзлаб кўчалар экилди.

– «Яшил макон» умуммиллий лойҳаси доирасида Қўқон шаҳридаги «Наврўз» МФЙ фаоллари билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида маҳалла кўчалари атрофида манзаралии ва мевали кўчатлар қад ростлади, – дейди халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Ж.Усмонов. – Маҳалла аҳолиси, турли ташкилот вакиллари ҳам бизга ҳамроҳ бўлишди. Барчамизнинг мақсадимиз бир, ўз ҳудудимизнинг ободлигини таъминлаш, янги-янги ашил майдонларни яратишдир.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Кейинги йилларда аҳоли бандлиги долзарб вазифалардан бирига айlandи. Фуқароларнинг самарали меҳнат қилиши моддий манфаатдорлигини ошириш учун муносив шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Избоскан туманида бу борада амалга оширилаётган ишлар тақаб даражасидами? Айни шун саволга жавоб топиш мақсадида “Адолат” СДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш олиб боришди.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, туман аҳолиси 221 минг 214 нафарни ташкил қилган бўлса, шундан 131 минг 237 нафари меҳнатга лаёқатли. Маълумотлар шундан 322 нафарига расман ишсизлик мақоми берилганини кўрсатмоқда.

Бир қарандаш қўқориди қақамлар каттадек кўринди. Амалга ошири-
лаётган ишлар бу таъвишни биров ортга суради. Айтайлик, жорий йилда
биргина хусусий секторда 865 та янги лойиҳа ҳисобига 2 минг 68 та янги
иш ўрни яратиш режалаштирилган. Илгинин ўтган даврида 2 минг 532 та иш-
ларнинг ташаббуслари асосида 988 та лойиҳа ҳисобига 2 минг 532 та иш
ўрни яратилди. Бу шунча ғуққорнинг бандлиги таъминланганини кўра-
тади.

Муस्ताқлилликнинг 30 йиллиги байрами арасида “Бештарак” МФЙ ҳудудида ишга туширилган “RIZO INVEST MAX” текстиль корхонаси фойдаланилмай турган мактаб биноси ўрнида қад ростлади. Тадбиркор Феруза Каримованинг тивукивилик цехи тақдиди этишга қаратилган лойиҳаси туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки корхонанинг биринчи навабти ишга тушиши билан 100 нафар хотин-қиз ишга бўлди. Улар орасида тивукивилик хунарига эга бўлишга қарамай ишсиз-гўлган, ҳатто хоржики давлатларга ишлаш учун йўл олиш истагида турганлар ҳам бор эди.

— Очиғи, маҳалламизда бундай корхонанинг очилиши кўпчилиكنи қувонтирди, — дейди тикувчи Барноҳон Камолова. — Биринчилардан бўлиб ишга қабул қилиндим. Эрталаб фарзандларимни мактабга кузатиб ишга келаман. Асосийси, оилам билан биргаман. Бюджетимиз ҳам яхшиланмокда.

Избосканлик чеварлар биринчи ойдаёқ 50 минг дона эркаклар кийим-ларини тикдилар. Сифат ва нарх борасида бозор талабига жавоб беради. Шу сабаб уларнинг маҳсулотларига талаб ортмоқда, экспорт ҳам йўлга қўйилди. Яқинда ишчи кийимлар учун буюртма олинди.

Лойиҳанинг иккинчи навбати асосида қурилиш ишлари давом этяпти



“Ойбек” МФЙ ҳудудда тadbиркор Орифжон Нўъмонов бошчилигидаги қурувчилар 16 миллиард сўмлик лойиҳа асосида 48 та замонавий уй-жойлар барпо этмоқда. Аҳамиятли, 180 нафар бунёдкорларининг барчаси маҳаллий ёшлар. Қурилиш ишларидан ташқари меъбел тайёрлашни ҳам ўзлари амалга оширмоқда. Келгуси ойда “Гиллабоев” массивидаги беш уйлар ўз эгаларига топширилади.

Шу каби “Сирожиддин келажак умиди” МЧЖ 20 та, “Обод қишлоқ гулшани” МЧЖ 50 та, “Пойтуқ насл паррандаси” МЧЖ 156 та иш ўрни яратгани, юзлаб фуқаролар якка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошлагани қувонарли.

Туманда ютюклар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Энг кўп иш-сизлик қайд этилаётган ҳудудлар сифатида "Тўрткўл" ва "Юқори Чувамата" МФЙлари қўрилганлиги. "Тўрткўл"да 419 нафар ва "Юқори Чувамата"да 497 нафар фуқаронинг ҳорийқий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетгани аниқланган. Бу аша шу ҳудуддаги маъсуллар ва МФЙ фаоллари зиммасига юқоридаги вазифани талаб даражасида баҳармағтанини кўрсатади.

“Роввот” МФЙ раиси Хумора Фармонова мақсадимизни эшитгач маҳаллада айтарли тадбиркорлар йўқлигини билдирди. Оилавий тадбиркорлик ҳам йўлга қўйилмаган. Бундан МФЙ фаоллари давлатимизнинг бугунги сиёсатини кенг жамоатчиликка етказмаётганини сезиш қийин эмас.

Шу жойда соҳа масъуллари “ровот”лик тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истиғида булган бир неча ишсиз фуқароларга тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши учун субсидия ажратилганини билдирди. Улар имкониятдан фойдаланиб, ўз фаолиятини бошлаган. Бироқ МФЙ раисининг бундан хабарсизлигини қандай баҳолаш мумкин?

Аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоӣ аҳамиятга эга долзарб масала. Шу сабаб уни ўз вақтида ҳал этишдан барча бирдек манфаатдор Қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бандлиги таъминланиши шарт.

Акбаржон НАЗАРОВ

Ислохотлар амалда

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИДА ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, ушбу соҳани Президентимиз 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси орқали асосий масалалардан бири сифатида белгилаб берганди. Натижада бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, шошилиш хамда аҳолининг заиф қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш каби масалаларга эътибор қаратилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлиги борасида бир қатор кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгаришига эришилди.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида соҳада кадрлар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, уларнинг касб маҳорати, тажрибаси ва салоҳиятини ошириш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Президентимиз фармонида асосан яқинда Беҳзод Мусаевнинг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинлангани ҳам бежиз эмас. У ўзқ йиллар давлат бошқарувининг турли бўғинларида самарали фаолият олиб бориб, Ватанимиз равақига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

2020 йил 14 майдан Президент фармонида асосан Бош вазирнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланган Беҳзод Мусаев фаолияти давомида бевосита соғлиқни сақлаш тизими, ундаги жараёнлар ва соҳа муаммоларига алоҳида эътибор қаратиб келадди.

Тиббиёт асбоб-ускуналарини хориждан олиб кириш борасида божхона божларини камайтиришда ҳам унинг муносиб ҳиссаси бор. Шунингдек, у тез тиббий ёрдам хизматини тубдан яхшилашни назарда tutувчи қатор ташаббусларни илгари суриб, амалиётга татбиқ қилганди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратганди. Пандемия даврига қарамай республика-миздаги онкологик вазиятга урғу бериб, юртимизга хорижий мутахассисларни жалб этиш, тиббиёт анжумларининг жойларга вақтида етказилишини ўз назоратига олган эди.

Айни кунларда Беҳзод Мусаев ҳудудларда шифокорлар ҳузурида бўлиб, уларнинг муаммоларини ўрганаётгани ва ҳудуд масъулларига алоҳида топшириқлар бериб, ижросини шахсан ўзи назоратга олаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Янги вазир ўз иш фаолиятида тиббиёт соҳасини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишга эътибор қаратиб, мавжуд тиббиёт марказлари ва шифохоналарини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида урғу бермоқда. Шу билан бирга, айрим муассасаларда мавжуд тиббий ускуналардан мақсадга мувофиқ фойдаланилишини таъминлаш борасидаги масъуллар фаолиятини тўғри йўлга қўймоқда.

Соҳадаги ўзгаришлар ва тезкорлик билан амалга оширилаётган муҳим тадбирлар ҳамда туну кун тинимсиз меҳнатнинг самараси ўлароқ яқин орада юртимиз тиббиётида, соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий ютуқларга эришилишига шубҳа йўқ.

Мадинахон ИБРОҲИМОВА,
“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши
туманлараро ижрочи котиби



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган «Инсон кадри учун» деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратишни назарда тутати. Шу жумладан, инсонларга муносиб турмуш шароитини яратишда соғлиқни сақлаш тизими ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизимини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш борасида улкан ислохотлар ҳамда кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Беҳзод Мусаев Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири лавозимига тайинланиши ҳам соҳа ривожига амалга оширилаётган ишларнинг давомийлигини таъминлашда катта аҳамият эга.

Беҳзод Мусаев лавозимига киришган илк кунлариданоқ пойтахт шифохоналаридаги вазиятни ўрганиб, ўша куннинг ўзида ўрганиш хулосалари таҳлил қилиниб, пойтахтдаги шифо масканларида 600 дан зиёд қўшимча ўрин-жойлар ташкил этилди ҳамда она ва болаларга даволанишлари учун етарли шароитлар яратилди, шунингдек, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож айрим йўналишдаги болаларнинг «Тез ёрдам» машиналари орқали ихтисослашган тиббиёт муассасаларига етказилиши таъминланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизматининг ёзишича, хусусан, ўрганишлар да-

вомида беморларнинг шифокор қабулига узок навбат кутиши, тиббиёт ходимларининг ортиқча қўғозбозлик билан боғлиқ юкларини қўлиги каби камчиликлар қаторида жойлардаги аксарият даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена меъёрларига етарли даражада эътибор берилмаётгани маълум бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш вазири тизимдаги барча муассаса раҳбарларига мазкур йўналишдаги муаммоларни зудлик билан бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатма берди.

Албатта, соҳага оид амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаати ҳамда унинг кадри учун эзгу амаллар мужассам. Бу эса Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган «Инсон кадри учун» тамойили ўз ифодасини топаётганини кўрсатмоқда.

Мақсуд ҲАМИДОВ,
«Адолат» СДП Бухоро вилоят кенгаши
раиси



Соат тунги 1.00 га яқин укам телефон қилди. Яқин орада фарзандли бўлиши кераклигини билганим учун ҳам шовиб телефонни кутардим. Келинимизнинг мазаси бўлмаётганини айтишди. Шифокор назоратида бўлиши яхшироқ деб ўйлаб, шифохонага йўл олдим. Текширувдан ўтказган шифокорлар кутлаётган фарзанд эгизак эканлигини, муддатидан илгарироқ туғилишини маълум қилишди. Ярим тун бўлишига қарамай шифокорлар керакли муолажаларни ўз вақтида амалга оширишди. Тўғруқ амалиёти муваффақиятли ўтди. Она ва болаларнинг саломатлиги учун барча шарт-шароитлар билан таъминланганини кўриб, соат 4.30 ларда уйга қайтаётганимда ҳам фидойи шифокорлар ҳали у беморга, ҳали бу беморга муолажа қилиб юрардилар.

Яқинда ижтимоий тармоқларда соғлиқни сақлаш вазири ярим тунда тиббиёт мураккаплигини билганим учун ҳам шовиб телефонни кутардим. Келинимизнинг мазаси бўлмаётганини айтишди. Шифокор назоратида бўлиши яхшироқ деб ўйлаб, шифохонага йўл олдим. Текширувдан ўтказган шифокорлар кутлаётган фарзанд эгизак эканлигини, муддатидан илгарироқ туғилишини маълум қилишди. Ярим тун бўлишига қарамай шифокорлар керакли муолажаларни ўз вақтида амалга оширишди. Тўғруқ амалиёти муваффақиятли ўтди. Она ва болаларнинг саломатлиги учун барча шарт-шароитлар билан таъминланганини кўриб, соат 4.30 ларда уйга қайтаётганимда ҳам фидойи шифокорлар ҳали у беморга, ҳали бу беморга муолажа қилиб юрардилар.

Мана, икки йилдирки дунёга ҳавф солган тождор вирус сабабли сифатли тиббий хизматга талаб янада ошди, шу билан

биргаликда ушбу соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талай эканлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, фуқароларга чекка-чекка қишлоқларда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ҳам янада яхшилаш, соҳада малакали мутахассислар етишмовчилигининг олдини олиш, тиббиёт ва таълим соҳаси ҳамкорлигини йўлга қўйиш бугунги кун талаби.

Албатта, инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларимиз саломатлигини мустақкамлаш, уларнинг ҳаётдан, бугунги давр ислохотларидан рози бўлиб яшаши йўлида соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг самарасини беради.

Санобар МИРСАИДОВА,
халқ депутатлари
Самарқанд вилоят
Кенгаши депутати

Депутатлик гуруҳларида

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароити яратиб бериш халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатларнинг муносиб фаолият олиб бориши билан ҳам белгиланади. Мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларнинг замонавий босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг жойларда қонунлар ва қарорлар ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишдаги роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, аҳолининг тақлифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгаши депутати Илҳом Назаровнинг ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллари жараёнида тумандаги “Олтин водий” маҳалла фуқаролар йиғини “Олтинсой” кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролардан тоза ичимлик сувининг йўқлиги, ички йўлларнинг яроқсизлиги, кўчаларни тўғри ёритиш учун симёғочлар ўрнатилмаганлиги юзасидан муражаатлар келиб тушди.

— Неча йилдирки, фарзандларимиз қишда лой ва ёзда чанг кўчалардан мактабга қатнашади. Энг ёмони, қиш ва баҳор фаслида фарзандларимиз маҳалла бошига чиққунча сув ва лой кечишга тўғри келмоқда. Натижада оёқ кийимлари нам бўлиб, кун давомида нам оёқ кийим билан дарсда қатнашиб, тез-тез шамоллаб қолишаёпти, — дейди фуқаро Баҳриддин Тожиёв.

Муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари чиқарилди. Натижада сув қувурининг 50 метр қисми янгисига алмаштирилиб, “Олтинсой” кўчасида яшовчи 30 та оила тоза ичимлик суви билан таъминланди. Шу билан биргаликда, кўчанинг 300 метр қисмига шағал ётқизилиб, 250 метр қисми асфальт қилинди. “Олтин водий” МФЙ ҳудудидаги А.Қодирий, Ҳамза номидаги кўчаларда тўғри ёритиш тизимини таъмирлаш масаласи эса йил охирига қадар ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Қолаверса, депутат И.Назаров ташаббуси билан “Олтин водий” МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи оилаларнинг моддий ва маънавий аҳоли ўрганилиб, ҳомийларни жалб қилган ҳолда боқувчисини йўқотган 25 та оилалар зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совғалар, 43 нафар эҳтиёжманд оилалар 500 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилди.

Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгаши депутати Фарух Абдуҳамидов томонидан “Адолат” СДП Арнасой туман кенгаши билан биргаликда ташкил этилган ишчи гуруҳ тумандаги “Бобур” МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаролар билан мунтазам равишда юзма-юз мулоқотлар ташкил этилмоқда. Мулоқотлар жараёнида аҳоли томонидан ички йўлларнинг оғир ҳолат, ичимлик суви ва электр тармоғидаги муаммолар йиллар давомида йиғилиб қолиши натижасида ўта оғир ҳолатга келиб қолганлиги юзасидан билдирилган муражаатлар ишчи гуруҳ эътиборини тортди. Муражаатлар асосида депутат Ф.Абдуҳамидов томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови орқали муражаат қилинди. Натижада тумандаги “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ўрикли” кўчасига 100 метр тоза ичимлик суви қувури, “Ибн Сино” кўчасига 80 метр ичимлик суви қувури ётқизилиб, мазкур кўчаларда яшовчи фуқароларга марказлашган ичимлик суви етказиб берилди.



Қолаверса, “Ўрикли” кўчасидаги аҳоли ҳаётига ҳавф солиб турган трансформатор юзасидан туман электр тармоқлари корхонасига муражаат қилинди. Натижада трансформатор техник соз ҳолатга келтирилиб, атрофи ўралди. “Бобур” кўчасининг 700 метр, Нормурод Холмуродов номидаги кўчанинг 210 метри асфальт қилинди, “Ўрикли” кўчасининг 1080 метр қисмига шағал ётқизилди.

Жорий йилнинг якунига қадар мазкур МФЙдаги “Ибн Сино” кўчасининг 120 метри асфальт қилиниши, “Ўрикли” кўчасидаги 7 та яроқсиз симёғочлар янгисига алмаштирилиши режалаштирилди.

Бугунги кунда ёшларнинг бандлиги, ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш долзарб вазифадир. Бу борада халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ф.Абдуҳамидов томонидан партиянинг “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида ўндан ортиқ ишсиз ёшлар давлат ва ҳўжалик соҳаларининг турли йўналишларига ишга жойлаштирилди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ориф Усмонов томонидан фуқаролардан келиб тушган муражаатлар асосида “Бўстон” МФЙда А.Қаршиев номидаги кўчага янги трансформатор ўрнатилди, мазкур кўчага 400 метр ичимлик суви қувури тортилиб, 30 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

Партияимиз дастурий гоъялари, электрорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бошқарув идоралари олдида долзарб масалаларни қўйиш, юзага келган муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессиялари кун тартибига киритиш ва ижобий ҳал этиш маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг фаоллигига боғлиқ. Партияимиз томонидан илгари сурйлаётган гоъяларга кенг жамоатчиликда хайрихоҳликни ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари зиймасига катта масъулият юкляди ҳамда фаолият самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Шавкат ХУДАЙҚУЛОВ,
“Адолат” СДП Арнасой туман кенгаши раиси

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Маълумки, халқ ҳўжалиги ривожига газ муҳим ва асосий ўрнида турувчи маҳсулот ҳисобланади. Шу боис табиатнинг бу тўғрасидан ҳар бир кишидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Кейинги пайтда мазкур масалага давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, қиш мавсумида об-ҳавонинг совиб кетиши, газ босимининг пасайиши инсонларнинг электр манбасига бўлган эҳтиёжининг ортишига олиб келади, натижада ёнғин келиб чиқиши кўпаяди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 23-сонли йиғилиш баёнининг ижросини ва Фавқуллода ва-

зиятлар вазирлигининг 2021 йил 10 ноябрдаги 328-сонли буйруғига асосан республикамизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

Бундан қўзланган асосий мақсад халқ ҳўжалиги масканлари, шунингдек, аҳоли турар жойларида фуқароларнинг тинч ва осойишта яшаши, фаолият олиб бориши учун барча чораларни кўриш, жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва иқтисодий тармоқлар

хавфсизлигини таминлашга қаратилган.

Афсуски, бепарволик катта талофатларга олиб келиши мумкинлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Баъзан оддий тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик тинчлик-осойишталикка раҳна солишга, оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлишга, инсонларнинг бир умрга ногирон бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Сир эмас, кунлар совиши билан барчамиз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларини ишлатган ҳолда хона-

донларини қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлган инсонларни унутмайлик.

Айрим фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билса-да уларга лоқайдлик билан қарайди. Газ ҳидини сезганда гугурт қақиш мумкин эмаслигини, газ қувурларига резина шлангалар ёрдамида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда уланishi катта талофатларга олиб келишини асло ёддан чиқармайлик. Уйингиз ва ишхонангизда бундай нохушлик бўлмаслиги учун яна бир бор газдан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз.

Саидакмал САИДАКБАРОВ,
Ёнғин хавфсизлигини
таъминлашни ташкил этиш
бўлимаси мутахассиси



Суд-хуқук ислохотлари, хусусан, одил-судлов тизимининг мустақиллиги ва соҳадаги очиқлилиги, ўз навбатида, “Инсон кадри”ни ифода этувчи, яъни соҳада хар бир фуқаронинг хуқук ва эркинликларини таъминлашдаги асосий йўналишлардан биридир.

СУД ТИЗИМИДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, хуқук-тартибдор органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турганлиги” хусусида таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг йўналишларидан бири сифатида қайд этиб ўтган ушбу вазифалар бевосита адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат куриш, инсон кадр-кимматини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

Қайд этиш жоизки, 2017-2021 йиллар давомида республика бўйича жами 3 минг 513 нафар фуқаро оқланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи давомида 743 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ва 3 минг 835 нафар шахс суд залидан озод қилинган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда сўнгги беш йил мобайнида инсон, унинг хуқук ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада одил судлов таъминланиши оқибатида мазкур натижаларга эришилган.

Шунингдек, суд тизимини ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш ҳамда мазкур тизимини инсон хуқук ва эркинликларини муҳофаза қилувчи мустақил институтга айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирлар мазмунини судлар фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилиши мукаммал одил судловга эришиш ва тизим фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Ўтган беш йил давомида судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш борасида 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва жорий йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти

органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари бўлди.

Судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида аҳолига қўлай бўлган ахборот тизимлари яратилиб, ишга туширилди.

Жумладан, барча инстанция судлари фаолиятига “e-xsud” ҳамда “e-sud” ахборот тизимлари ҳамда марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси жорий қилинган бўлиб, ушбу тизим асосида судларга келиб тушган ишларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш, судларга электрон шаклда келиб тушган ариза ва муурожаатларни рўйхатга олиш ва суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш, ишларни судьялар ўртасида инсон омилсиз автоматик тарзда тақсимлаш амалга оширилди.

Шунингдек, судлар бўйича барча якуний суд қарорлари судьялар томонидан “public.sud.uz” веб-сайтига жойлаштирилади. Жорий йилнинг ноябрь ойи ҳолатига 119.490 та жиноят ишлари бўйича суд қарорлари, 743.860 та маъмурий ишлар бўйича суд қарорлари, 343.955 та иқтисодий ишлар бўйича суд қарорлари, 609.147 та фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари кўриб чиқилиб, ушбу сайтга жойлаштирилган.

Қайд этилган ахборот тизимлари судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш билан бирга, фуқароларга янада енгиллик яратиб, ортиқча бюрократиянинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда “Инсон кадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этиб, мазкур соҳада инсон, унинг хуқук ва эркинликларини таъминлашда ўзига хос ўринга эгадир.

Дилдора БОЗОРОВА,
Тошкент давлат юридик университети
профессори



ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК — КАДРЛАР ЕТУКЛИГИ КАФОЛАТИ

Ҳозирги пайтда университетлар, илмий-тадқиқот институтларида академик курслар, академик марказлар очини, энг иқтидорли ёшларни жалб этиш ва уларнинг етук олимлар билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Ушбу максадларни амалга ошириш ниятида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бу ҳамкорлик натижасида ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсад қилиб олинди. Шу асосида ўзаро ҳамкорликда турли танловлар ташкил этиш йўлга қўйилди.

Ана шундай танловлардан бири Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўтказилди. “Давлат байроғи – менинг байроғим!” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари – профессор Исмоил Саифназаров, доцент Наргис Алиматова, катта ўқитувчилар Умида Кудратова, Наргис Умурақова иштирок этишди. Профессор И.Саифназаров ва Н.Умурақованинг мамлакатимиз давлат байроғи, унинг қабул қилиниш тарихи, байроққа ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш зарурати, унга нисбатан муносабат ҳақидаги маърузалари ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

Илмий фаолият билан шуғулла-ниш, яъни олимлик янгиликка интилиш, ўқиб ўрганиш, яратиш асосида амалга ошадиган, мураккаб ижодий-тадқиқотчилик жараёнидир. Бу бевосита вори-сийлик асосида, муаллим-устозлар ва талаба-шогирдлар ўртасидаги алоқа-дорлиқни юзага келтиради. Устоз ва шо-

гирднинг самарали назарий ва амалий ҳамкорлиги натижасида давлат ва жа-миа муаммолари бартараф этилади, давлат равнақ топади, халқнинг турмуши фаровонлашади. Ўзаро илмий-ижодий фаолият жараёнида ўзига хос маънавий-ахлоқий кадриятлар шаклланади. Шу сабабдан, Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлган иқтидорли ўқувчиларни республика-мизнинг турли бурчакларидан танабл олиб, Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси асосида таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб интернатда ҳам ана шундай иқтидорли 480 нафар ўқувчилар химия ва биология фанларидан мукаммал билим олиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўзларининг ғояларини амалиётга жорий этиш имконига эга. Мактаб директори Ж.Қамолонинг ўқувчиларга меҳри ва Н.Турғунбаева, Д.Жумабоева каби мактаб жамоаси вакилларининг қўллаб-қувватлашлари натижа-

сида ўқувчиларда илмга бўлган иштиёқ, изланувчанлик ва сабр-қаноат янада ортимоқда. Профессор И.Саифназаров ўқувчилар билан бўлган суҳбатда уларга келажакка ишонч, изланувчанлик ва интилиш инсон ҳаётида муваффақиятга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Тадбир сўнггида Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ўтказилган иншоолар танлови ғолиблари тақдирланди.

Мустақил ва ижодий фикрловчи шахс тарбияси учун, биринчи навбатда, яъни, таълим айрим маълумотларни механистик ёдлаш эмас, балки мустақил ва ижодий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Бу борада ёдлашдан воз кечиш вақти келди. Бугунги кунда табиатга мувофиқлик усулини чуқурлаштириш ва ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий тафаккурини ривожлантириш долзарб масаладир. Замонавий таълим тизимида кадриятлар асосида ўқитувчи макomini ошириш, “Устоз-шогирд” тизими орқали илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолиятни татбиқ этиш усулларидан бири сифатида иншоолар танловларини ўтказиш лозим. Мулоқот руҳида бундай тадбирларни ташкил этиш ва уларни кўтаринки руҳда ўтказиш учун таълим тизимида жонбозлик кўрсатаётган раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Умида КУДРАТОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
“Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси таянч докторанти

Жиноятга жазо муқаррар

ЭРКАК НОМИГА ДОФ ТУШИРАЁТГАНЛАР...

Барча қизлар каби не-не орзулар билан оппоқ қўйлақда, ёр-ёрлар билан ота уйи остонасидан гўёки оккуш мисол учган Каромат (исм-фамилиялар ўзгартирилган — тахририят) қанчалар қувонч билан кетган бўлса, шунчалар забун ахволда турмуш ўртоғи билан ажрашиб, бир нафар фарзанди билан Сайхунобод туманидаги ота-онасининг уйига қайтиб келади. Тайинли иш жойига эга бўлмаганлиги сабабли маҳалладошлари томонидан олиб келинган бугдойни тегирмонда ун махсулоти қилишда отасига қўмаклаша бошлайди.

Бу асли Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги “Ойдин” маҳалласида доимий рўйхатда туриб, Сайхунобод туманининг “Фаровон” маҳалласида истиқомат қилувчи, 34 ёшга кирган бўлса ҳам ҳеч қаерда ишламайдиган, бошқалар қатори тегирмонга бугдой олиб келган Фурқатнинг эътиборини тортади ва ҳар гал келганда Кароматни зимдан кузата бошлайди. Бир қанча саъй-ҳаракатлардан сўнг, ниҳоят унинг телефон рақамини қўлга киритади. Шундан кейин у Кароматга уяли телефон орқали қўнғироқ қила бошлайди. Дастлаб Каромат у билан яхши муносабатда бўлмайди, лекин Фурқат уни ун чиқариш учун тегирмонга борганида бир неча марта кўрганлигини, ўзи ҳам дон махсулотлари корхонасида лаборант бўлиб ишлашгани, оиласи йўқлигини, унга ишқи тушиб қолганини айтиб мунтазам телефон қилавергач, аста-секин у билан гаплаша бошлайди. Кейинчалик эса суҳбат ҳозирги замоннинг трендига айланган “Телеграм” ижтимоий тармоғига ўтади. “Телеграм” ижтимоий тармоғида уларнинг муносабатлари жиддийлаша бошлайди, яъни Фурқат уни яхши кўриб қолганлигини, ҳатто турмуш қуришини, Кароматга фарзандига оталик қилишини айтади. Бу тақлифдан кейин ўрталарида илқ муносабат пайдо бўлади. Чунки Каромат турмушидан ажрашгандан сўнг яна кимгадир кераклигини ҳис қилиб, ҳаёти изга тушиб кетишидан умид қилади, гўёки қоронғилик ёруғликка ўз ўрнини бў-

шатиб бераётгандек эди унинг назарида. Фурқатнинг ваъдалари унинг бошини айлантириб қўяди ва у билан учраша бошлайди. Барибир, бир марта оғзи куйган киши қатқини ҳам пуфлаб ичади деганларидек, Кароматнинг кўнгли негандир, нимадандир безовта эди, балки яна адашишдан қўрқдими... Ишқилиб, Фурқатнинг қандай инсонлигини билгиси келди ва у ҳақда таънишларидан суриштира бошлади. Лекин улар Кароматнинг ижобий жавоб олиш истагини сезишдими ёки... ишқилиб бир оғиз “яхши йигит”, дейишдию қўйишди. Бу эса унинг янада катта ҳатоларга йўл қўйишига маълум маънода сабаб бўлди. Агар атрофдагилар Фурқатнинг оилали эканлигини, биринчи хотинидан бир фарзанди, иккинчи хотинидан икки фарзанди борлигини, унга 2017 йилда жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 122-моддаси, 1-қисми билан, яъни воёга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, алимент тўламаганлик учун 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлигини, ҳеч қаерда ишламаглигини очик айтишганида у билан муносабатларини узган бўлармиди...

Фурқат Кароматнинг ишончини осонгина қўлга киритганлигидан фойдаланиб, у билан кўнгилхушлик қила бошлади. Навбатдаги кўнгилхушлиқдан сўнг Фурқат мақсадини амалга ошириш режаларини туза

ёки аёл бахтсизлигидан
фойда кўзлаётган “эркак”...



бошлайди. Ундан яланғоч ҳолдаги фотосуратлари ва видеоларини “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали жўнатишини сўрайди. Ўз-ўзидан маълумки, Каромат бунга рози бўлмайди. Аммо бу борада тажрибага эга, тўғрироғи пихини ёрган Фурқат аёлнинг ишонувчанлиги ва умидворлигидан фойдаланиш йўллариини излайди. Ҳар хил ширин сўзлар айтиб, ўзига муҳаббат уйғотишга бўлган ҳаракатини тўхтатмайди. “Турмуш ўртоғим бўласан-ку, барибир оила қурамиз-ку”, деб уни ҳоли-жонига қўймайди. Кароматни ҳам шайтон йўлдан урдими, ишқилиб Фурқатнинг тақлифига рози бўлади: Ўзининг 4 донга кийимсиз фотосуратларини ва бир донга қисқа видео тасвирларини “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали унинг шахсий саҳи-

фасига юборади. Фурқат эса бу фотосуратларни ва видео тасвирни телефонига сақлаб қўяди.

Фурқат 2020 йилнинг август ойларида Кароматдан ҳеч ким билан гаплашмаслиқни талаб қила бошлайди, агар бирон эркак киши билан гаплашганини кўриб қолса ёки эшитса, ўша суратлари билан видеосини интернет тармоғи орқали тарқатиб юборишини айтади. Бу гап-рақатини тўхтатмайди. “Турмуш ўртоғим бўласан-ку, барибир оила қурамиз-ку”, деб уни ҳоли-жонига қўймайди. Кароматни ҳам шайтон йўлдан урдими, ишқилиб Фурқатнинг тақлифига рози бўлади: Ўзининг 4 донга кийимсиз фотосуратларини ва бир донга қисқа видео тасвирларини “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали унинг шахсий саҳи-

ция қилдириши шартлигини, шунинг учун пул керак бўлиб қолганини, бу масалада ёрдам беришини сўрайди. Лекин Каромат пули йўқлиги учун унга ёрдам бера олмаслигини айтгач, Фурқат унинг бўйнидаги тилла занжирини бериши билан пул муаммосини ҳал қила олишини айтади. Лекин Каромат бу тақлифини ҳам рад этгач, қулоғидаги бир жуфт тилла зирғини беришини талаб қилади. Чорасиз қолган Каромат ноилож зирақларини ечиб беришга мажбур бўлади. Шундан сўнг Фурқат тилла зирақларини олиб, арзон-гаровга сотиб, уларни “операция”га эмас, балки ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборади.

Урганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Фурқатга осон топилган пулнинг мазаси ёғдек ёқиб тушади. Унда яна пулга эҳтиёж туғилади ва 2021 йил 8 февраль куни “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали Кароматдан яна 4 миллион сўм пул беришини сўрайди, акс ҳолда яланғоч фотосуратларини ва видео тасвирни интернетга тарқатиб юборишини, ҳаммага шарманда қилишини айтиб, уни қўрқитади. Унинг бу пўписасидан ҳайиққан аёлга 4 кун муҳлат беради. Каромат бу гапдан даҳшатга тушади, яна алданганини, жуфти ҳалоли бўлишига қасам ичган инсоннинг товламачи бўлиб чиққанлигини, унга ишониб катта хатога йўл қўйганини англайди. Аммо кеч... Унинг боши қотди, берай деса пули йўқ, берамай деса яқинлари ва маҳалла-қўй орасида шарманда бўлишидан қўрқади. Чорасиз қолган Каромат қариндоши Нигорадан маслаҳат сўрайди. Нигора эса унинг қалб кўзини очади: аввало, унинг талабларини бажармаслиги кераклигини, айнқиса, сурат ва видеони жўнатиб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганлигини, агар бу гал ҳам пул топиб берса бу товламачилик ҳолатлари яна давом этавериши мумкинлигини тушунириб, энг тўғри йўл — хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилиш эканлигини маслаҳат беради.

2021 йил 12 февраль куни устаси фаранг “ошиқ” 4 миллион сўмга эга бўлиш илнжиди Сайхунобод туманидаги кафеларнинг бирига кўтаринки кайфиятда келади. Каромат билан учрашиб, талаб қилинган 4 миллион сўм пулни олади ва “ва-фодор” йигит ваъдасига вафо қилиб, фотосуратлар ва видео сақлаётган флешкани Кароматга қайтариб берар экан, бу аёлдан режадаги маблағни олганини, энди оладиган

нарсаси қолмаганини, бошқа хўрак топиши лозимлигини режалаштирган бўлса ажаб эмас. Шундай ҳаёллар ва “улуғвор” режалар билан бўлиб, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилаётганини сезмайди. Бирпасгина кўзларини қувонтирган ишлов берилган пуллар эса унинг жиноятига ашёвий далил сифатида хизмат қилади.

Фурқат илгари содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ҳам, берилган жазодан тегишли хулоса чиқариб олмади ва яна жиноятга қўл урди, унга нисбатан юқорида содир этган қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддасининг (товламачилик) тегишли банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Албатта, кимки жиноят қилса, у қонунларимизда кўрсатилган жазосини олиши шубҳасиз. Аммо масаланинг иккинчи томони жуда ачинарли: кейинги вақтларда баъзи эркаклар ўзининг кимлигини унутиб қўймаётими? Ахир Фурқат билла туриб, аёлнинг бевалигидан фойдаланиб, ҳис-туйғуларини топтаб, унинг шаъни, обрўси, ор-номусига дахл қилганини қандай баҳолаш мумкин? Кейинги йилларда пул топиш йўлида тақдир синовлари бошига тушган хотин-қизларнинг тушунлиқ ҳолатидан фойдаланиб, пасткашлик ва разилликка қадам қўяётганлар сони кўпаяётганига нима дейсиз? Бундайларнинг ғурури қайда қолди? Шу қадар ўзини, ўзлигини унутган эркак эски деган шарафли номга муносабми ўзи?

Шу билан бирга, бундайларнинг орамизда оз бўлса ҳам учраётгани, аёлларимизни, қизларимизни хуш-ёрликка, эҳтиёткорликка чорлаши даркор. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деган нақлда ҳақиқат мужассам. Ўткинчи қийинчиликларни енгилга шошиб, ўзининг бир умрлик виждон азобиға қўйманг, фарибгар, товламачилардан эҳтиёт бўлинг, азиз аёллар!

Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИБ Транспортида
Хавфсизлиқни таъминлаш
бош бошқармаси
Тергов бошқармаси ўта
муҳим ишлар бўйича
терговчиси,
подполковник,
Саодат МАТЁҚУБ қизи,
“Adolat” мухбири

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Милодий эранинг IX-XII асрлари оралигида Ўрта Осиёда илм-фан нихоятда юксак тараққий этди. Бу давр илм-фани кейинчалик дунё тарихига Шарқ Ренессанси — илк Уйғониш даври деган ном билан муҳрланди. Худди ана шу даврда жаҳон илм-фани ривожига муҳим роль ўйнаган, Ер юзида дастлабки илмий марказлардан бири ҳисобланган Хоразм Маъмун академияси — “Дорул хикма ва маориф” фаолият юритди. Ушбу илм-фан маркази — академияда дунёнинг турли мамлакатларидан келган 400 га яқин алломалар адабиёт, маданият, санъат, тарих ва барча табиий фанлар соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Илмлар қомусини яратган аллома

Араб муаррихи Ёқут ал-Ҳамавий “Шарқ илм-фани тарихида, “Дорул хикма ва маориф” ҳаётида хоразмлик алломалар фаолияти алоҳида ўрин тутди. Бу даврларда ал-Хоразмий нисбаси билан танилган улуғ алломалар, адиблар, тарихчиларнинг ўзи 200 дан ошқини ташкил қилди. Буюк аллома Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бошлаган улуғ ишларни Абу Али Ҳасан ал-Хоразмий, Абу Бақр ал-Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Суҳайлий ал-Хоразмий каби кўплаб алломалар давом эттирдилар”, деб маълумот беради. Ана шу даврдаги улуғвор илмий ишларда яна бир буюк аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Аллома ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар аниқ манбаларда сақланиб қолмаган. Унинг қаерда ва қачон туғилганлиги ҳақида етарли маълумот йўқ. Баъзи манбаларда унинг Х асрнинг 20-йиллари охири, 30-йиллари бошида дунёга келганлиги тахмин қилинади. Унинг Хоразмий нисбасини олиши шу ўлкада таваллуд топганлигини билдиради. Муҳаммаднинг ёшлиги Хоразмнинг Қиёт, Замахшар, Хива каби шаҳарларида кечди. Шу шаҳарлардаги медресаларда таълим олади. Фаннинг барча соҳаларига доир илмларни мукаммал ўрганади. Аллома бир фурсат Хуросонда ҳам яшайди. Хуросон вазири Абул Ҳасан ал-Уتبий ҳузурида котиб бўлиб ишлайди. Шунинг учун айрим манбаларда унинг номи “Ал-котиб ал-Хоразмий” деб ҳам келтирилади. Аллома хизмат вазифаси нуктаси назаридан Бухорога тез-тез бориб турган, кўплаб алломалар билан суҳбатдош бўлган. Бухоро амирининг бош кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритган. Алломанинг илмий дунёқараши ўша даврда Ўрта Осиёда кенг тарқалган қадимги юнон фалсафаси, маданияти, Шарқ мутафаккирлари Абу Бақр ар-Розий, Абу Наср Фаробий, Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий асарлари таъсири натижасида шаклланган.

Айрим манбаларда аллома ҳаёти, фаолияти ҳақида бошқача маълумотлар ҳам келтирилади. Буюк насабшунос аллома Абдулқарим ас-Самъоний “Ал-ансоб” асарида “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий адиб, имом-хатиб, чиройли сўзловчи, хаттот ва фақиҳ олим эди. Илм талабиди Ироққа сафар қилган, Маккаи Мукаррамада ҳам бўлиб, ҳаж амалини бажарган. Кейинчалик Бухорода яшайди. Чунки унинг фикшуннос, шоир-адиб бўлган отаси Абу Абдуллоҳ Аҳмад асли бухоролик, лекин Хоразмга кўчиб бориб, яшаб қолган эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг икки ўғли Абу Бақр аҳмад ва Абу Ҳафс Умар фақиҳ, ориф, тақводорлардан эдилар. Абу Бақр Аҳмад фозил, шоир, араб грамматикаси илмини яхши билувчи ва тасаввуф илмининг пешқадам олими эди. У кишининг кароматлари бор эди. Катта шеърий тўпламлари мавжуд”, деб ёзади. Бу маълумотдан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг аждоқлари ҳам, авлодлари ҳам ўз даврининг улуғ инсонлари, алломалари бўлганлиги англашिलाди. Аллома 997 йилда вафот қилади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳақидаги манбаларда муаррихлар унинг илм-фаннинг кўп соҳаларини билган ва барча соҳаларда илмий кашфиётлар ярата олган аллома эканлигини эътироф этганлар. Алломанинг 30 дан ошқин асарлар яратганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин бугунги кунгача унинг битта, нихоятда катта “Мафотих ал-улум” (“Илмлар қалитлари”) деб номланган асари етиб келган, ҳолос. Асар араб тилида битилган. “Мафотих ал-улум” қомусий асар бўлиб, унда ўша



тилган фанларни киритади. У бу илмларнинг ҳаммасини битта ном билан фалсафа деб атайди. Фалсафа фани эса икки қисмдан ташкил топган, дейди.

Унинг биринчи қисми назарий фалсафадан иборат. Назарий фалсафанинг асосидаги табиий илмлар — тиббиёт, астрономия, метеорология, минералогия, алхимия, механика фанларини қуйи илмлар деб атайди. Риёзёт илмлари бўлган арифметика, ҳандаса, илм ан-нужум, мусика фанларини ўрта илмлар тарзида изоҳлайди. Метафизикани эса илоҳий, олий илм деб улуғлайди. Мантиқ илмини ҳам назарий фалсафанинг узви деб қарайди. Фалсафанинг иккинчи қисми амалий фалсафадан иборат. Амалий фалсафа эса ўзига ахлоқ-этика (одамни бошқариш), уй-шунослик (оилани бошқариш), сиёсат (шаҳарни, мамлакатни бошқариш) фанларини бирлаштиради. Умуман, асарда илмлар юксак тасниф этилган, ҳар бир фаннинг предмети тўла аниқланган ҳамда уларнинг асосий атамалари қисқа ва аниқ баён қилинган. Энг муҳими, асарда X аср, яъни Уйғониш даври илм-фани, бу фанларнинг турфа соҳалари ривож, жамият ҳаётида тутган ўрнига муфассал баҳо берилган. Шу сабабли америкалик атоқли тарихчи Сартон “Мафотих ал-улум” дунё илм-фани тарихини, Шарқ Уйғониш даври илмий ва амалий ҳаётини ўзида намоён этган ягона асар. У X асрдаёқ бугунги кунда мавжуд бўлган фанларнинг барчаси шаклланиб улгурганини ўзида намоён этди”, деб эътироф қилганди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “араб бўлмаган” илмларни шунчаки таснифлаб, уларни фан сифатида изоҳлаш билан чекланиб қўя қолмайд. Ҳар бир фандаги янгилликларни, кашфиётларни, уларнинг моҳияти, ҳаётдаги аҳамиятини ҳам тадқиқ қилади. Айни пайтда, бу илмлар, фанларни ўз фикрлари, илмий хулосалари, кашфиётлари билан бойитади. Жумладан, у фалсафа сўзини Шарқ илмига биринчи бўлиб олиб қиради ва уни фан сифатида қайт этади. Барча илмлар фалсафа билан боғлиқлигини исботлайди. Юнон, грек, ҳинд олимларидан фарқли ўлароқ бу илмий фанларнинг етакчиси, деб белгилайди. Аллома асарининг мантиқ илми билан боғлиқ бобларида Аристотель ва Плутархнинг мантиққа оид асарлари шарҳига ҳам ўрин беради. Юнон олимларининг мантиқ илмига оид баъзи назарий хулосаларини танқид остига олади. Муаллиф Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги ҳамда тўхталади. Уларни ислом дини билан қоғиштиради. Калом илмида бу масалаларни бирорта аллома ангача кўтариб чиқмаган эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий тарихи мурожаат қилар экан, афсонавий подшоҳлардан тортиб турли давр ва мамлакатлар маликлари, Бағдод ҳукмдорлари, исломгача бўлган Рум, Юнон, Яман тарихининг очилмаган, фанга номаслум бўлган кирраларини очиб беради. Уларни юртимиз тарихи билан қиёслайди. Ёхуд аллома иш юритиш илми билан боғлиқ бобларда Амударё ва Сирдарё оралигидаги суғориш тизимлари, каналлар, ирригация шахобчалари, сувдан фойдаланиш йўллари, икки дарё оралигидаги давлатлар девони, солиқ турлари, қўшинлари тузилиши тўғрисида ҳам фан оламига номаслум бўлган янгиларни кашф этади. Умуман, аллома “араб илмлари” негизда дунё ва юртимиз тарихи, халқимиз яшаш тарзи, бу илмларнинг улар ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ қилади.

Аллома асарининг “араб бўлмаган” илмлар қисмига туронлиқлар, хиндлар, юнонлар, греклар, эронлиқлар, чинлиқлар ва бошқа халқлар томонидан яра-

давом эттириб арифметикани, ҳандасани назарий ва амалийга ажратади. Мусикани ҳам риёзатнинг бир бўлаги сифатида изоҳлайди. Умуман, аллома асарида табиий фанларнинг тараққиёт йўлларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, жамият ҳаётида тутган ўрнини яққол ас эттиради. Шунинг учун муаррих ас-Саолибий “Иатимат ат-дахр” асарида ал-Хоразмийга “Замонасининг энг доноси, одоб денгизи, илмнинг туғи, фазл ва идрок олами яғонаси”, деб баҳо беради.

Алломанинг “Мафотих ал-улум” асарининг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача кам сақланиб қолган. Олимлар дунё миқёсида унинг тўртта нусхаси мавжуд деб ҳисоблашади. Шулардан учтаси Буюк Британия музейининг нодир асарлар бўлимидан ўрин олган. Биттиси эса Берлин кутубхонасида сақланмоқда. Утган асрнинг 60-йилларида америкалик олим Босворт олиб борган илмий изланишлари натижасида ушбу асарнинг яна олтинта нусхаси борлигини аниқлади. Бу қўлёзма нусхалар Туркиянинг Истанбул шаҳридаги кутубхоналарда ўрганилмоқда. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ушбу асари XI асрдан бошлаб шарқ ва дунё олимларининг эътиборида бўлиб келади. У ҳақда Абу Мансур ал-Жаволикий, Абу Мудар Маҳмуд ал-Исфохоний, Ёқут ал-Ҳамавий, Муҳаммад ал-Алломий каби алломалар асарларида фикр билдирилган. Ҳарбда аллома ва унинг асарини ўрганиш XVIII аср охириларидан бошланди. Биринчи бўлиб бу асарни голландиялик шарқшунос олим Ван Флотен ўрганиб чиқди ва нашр қилдирди. Кейин унинг шу тилда таржимаси чоп этилди. XIX асрдан бошлаб бу манба Карл Брокельман, Эдвард Видеман, Жорж Сартон, XX аср бошларида Крачковский, Бартольд сингари олимлар томонидан тадқиқ этилди.

“Мафотих ал-улум” асарининг баъзи бўлим ва боблари раб тилларига таржима қилинган. Жумладан, тиб бўлимини Э.Зейдад немис тилига, мусика бўлимини Э.Видеман ва В.Мюллер немис тилига, Г.Фармер инглиз тилига ўгиришган. В.Хинц эса асардаги ўлчовлар ва уларнинг намуналарини ҳақидаги маълумотларни немис тилига таржима қилган. М.Унвала деган олим асарнинг тарих бўлимидаги олтинчи ва еттинчи бобларнинг таржимасини амалга оширган.

Мамлакатимизда ҳам Абу Абдуллоҳ Хоразмий мероси ва унинг асари ҳақида М.Хайруллаев, У.Каримов, Г.Матвиевская, Ҳ.Ҳасанов, А.Шарипов каби олимларнинг илмий мақолаларида атрофлича маълумотлар берилган. Кейинги йилларда улуғ аллома асарини тадқиқ этишга эътибор янада кучайди. Бу борада фалсафа фанлари доктори Р.Баҳодировнинг илмий мақолалари алоҳида ўрин тутди ва ушбу олим томонидан “Мафотих ал-улум” асарининг бешта бўлими илк бор ўзбек ва рус тилларига таржима этилди. Буларнинг ҳаммаси улуғ алломага эҳтиром ифодасидир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фаолияти, илмий асарлари билан нафақат ўрта асрлар Шарқ Уйғониш даври илм-фанига, балки Шарқда минг йиллар муқаддам ташкил этилган илк илмий марказ Маъмун академиясининг яратилишига замин тайёрлаган алломалардан бири эди. Шундай экан, юртимизга, халқимизга хизмат қилган фидойи алломанинг ўзи ҳам, илмий мероси ҳам авлодлар томонидан эъзозланади.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Хуқуқингизни биласизми?

МУАЛЛИФЛИК
ҲУҚУҚИ:

ЎЗГАРИШЛАР ҲАМДА
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Муаллиф маълум асарни яратар экан, унинг яратилишида энг қадрли неъмат бўлган умрини, шунингдек, куч-ғайрати, ақл-идрокни сарфлайди. Йиллаб изланишлар ва қаттиқ меҳнат ортидан маънавий бойлик бўла оладиган асарлар дунёга келади. Ана шундай асарлар бутун жамиятга фойда келтиради. Табиийки, муаллиф ўзи яратган асаридан етарли даражада маънавий ва моддий манфаатдор бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августда қабул қилинган “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонунига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқига оид бир неча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 35-моддасига ўзгартириш киритилиб, бундан буён муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин етмиш йил давомида амал қилиши белгиланди. Авваллари ушбу мuddат 50 йилни ташкил этган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 65-моддасига ўзгартириш киритилиб, бундан буён муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқбузардан зарар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб, иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарар қоплатиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда тўлатиши лозим бўлган тоvon тўлатиши талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Шу ўринда савол туғилади. **Ушбу киритилган ўзгартиришлар замирида қандай зарурият бор? Ўзгартириш киритишдан мақсад нима эди?**

Аввало, муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш мuddатининг 70 йил этиб белгиланиши ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, ҳар бир ижодкор асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, аввало, маънавий бойлик яратишни ва шу орқали жамиятга фойда келтиришни, шунингдек, ушбу асардан моддий манфаатдор бўлишни кўзлайди. Шунингдек, ижодкор ўз меҳнатининг натижасидан баҳраманд бўлиши ундаги иштиёқнинг кучайишига сабаб бўлади. Моддий манфаатдорлик эса, ижодкорга иктисодий муаммоларга қалтимасдан янада яхшироқ асарлар яратишга имкон яратади.

Муаллифлик ҳуқуқи мuddатининг узайтирилиши эса айнан шу моддий манфаатдорликнинг нафақат ижодкор томонидан, балки унинг меросхўрлари томонидан ҳам фойдаланиш имкониятини вужудга келтиради.

Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи амал қилиш мuddатининг узайтирилиши креатив ижод намуналарининг яратилишига сабаб бўлади. Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи объектларини ўзлаштириб олиш ёхуд қонунга хилоф равишда фойдаланиш қонунчиликка қўра жиноий ҳамда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Айнан ушбу норма муаллифлар томонидан ўзга муаллифларнинг ижод намуналарини ўзлаштириш ёки қонунга хилоф равишда фойдаланишдан тийишлишга чақиради. Табиийки, ўзгаларнинг ижод намуналаридан ўзлаштириш орқали яратилган асарларга нисбатан тақим мавжуд экан, ушбу тақим ижодкорларни фақатгина янги ва оригинал санъат асарларини яратишга ундайди.

Илғор хорижий мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш мuddатларига эътибор қаратар эканмиз, Европа Иттифоқига аъзо бўлган деярли барча давлатларда ушбу мuddат муаллиф вафотидан сўнг 70 йилни ташкил этишга гувоҳи бўламиз. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Австралия ҳамда Скандинавия давлатлари Норвегия, Швеция, Данияда ҳам ушбу мuddат 70 йилни ташкил этади.

Демак, муаллифликнинг амал қилиш мuddатини узайтиришдан асосий мақсад ижод махсулларидан янада узокроқ мuddатда, яъни муаллиф томонидан ҳаёти давомида, шунингдек, унинг меросхўрлари томонидан манфаатдор бўлиши таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, хорижнинг илғор тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда янги ва оригинал асарларнинг юзга келишига замин яратишдир.

Муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликка киритилган навбатдаги ўзгариш — бу муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқбузардан зарар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб янги тартибдаги тоvon тўлатиши талаб қилиш имкониятининг яратилганлигидир. Ушбу нормадан маълумки, эндиликда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган шахс томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан биргаликда ҳуқуқбузардан белгиланган миқдорда тоvon ундиришни талаб қилиш имкони ҳам пайдо бўлди. Аввалари ушбу тартибдаги ишларни ҳал этишда ҳуқуқбузарга жавобгарлик юзасидан келиб чиққан жарима қўлланган бўлиб, ушбу жарима давлат фойдасига ундирилган. Муаллифга эса ўз ҳуқуқларини тикланганлиги, шунингдек, етказилган зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига мурожаат этиш кераклиги тушунтирилган, ҳолос. Судлар томонидан эса етказилган зарарнинг аниқ миқдорини аниқлашда бир мунча қийинчиликка дуч келинган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари ҳар ҳил бўлгани сабабли уларга етказилган зарарни аниқлаш мураккаб жараёнга айланган.

Эндиликда янги тартиб билан, муаллиф ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш асносида мўмайғина даромадга (ҳозирги вақтда 5 миллион 400 мингдан 270 миллион сўмгача) эга бўлиши мумкин. Жорий қилинган янги тартибнинг яна бир қўлайлик жиҳати, тоvon миқдорининг аниқ кўрсатилганидир. Эндиликда ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ МИҚДОРINI АНИҚЛАШДА ЭНГ КАМ ВА ЭНГ КўП МИҚДОРЛАР МАВЖУД БўЛИБ, СУД ТОМОНIDAN ЗАРАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ АНИҚ ЖАРАЁНГА АЙЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН ТАҚДИРДА, БУНДАЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРДАН ЗАРАР ҚОПЛАНИШИ ЎРНИГА БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРINIНГ ЙИГИРМА БАРАВАРИДАН МИНГ БАРАВАРИГАЧА МИҚДОРДА ТОВОН ТўЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛДИ. БУ ЭСА ЎЗ НАВБАТИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНИШИ ЖАРАЁНИНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАГА ОЛИБ ЧИКИЛИШИДИР.

Маълумот сифатида хорижий давлатда муаллифлик ҳуқуқларини бузганлик учун тоvon миқдорлари қуйидагича:

Америка Қўшма Штатларида “Муаллифлик қонуни” (Copyright Act) га кўра, ушбу компенсация миқдори 750 АҚШ долларида 30.000 АҚШ долларигача, агар зарар етказилиши давом этса, 150.000 АҚШ долларигача суммани ташкил этади. Канадада эса ушбу миқдор 500 дан 20.000 гача Канада доллариани ташкил этади. Шунингдек, Сингапурда ушбу миқдор бирмунча баланд бўлиб, 10.000 АҚШ долларида 200.000 АҚШ долларигача бўлган миқдорни ташкил этади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгаришлар муаллиф-ижодкорларнинг ҳуқуқлари янада самарали ҳимоя этилишига, улар томонидан креатив асарлар яратилишига ҳамда соҳада бўшлиқларнинг тамоман йўқолишига хизмат қилади.

Санжарбек ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги Интеллектуал мулк ҳимояси марказларини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Комила УМАРОВА,
халқ депутатлари Жомбой
туман Кенгаши депутати